

САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ

Ойқарам Боймирзаева,

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация:Мақолада санъат мактабларида тасвирий санъат дарсларининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш орқали қобилиятларини ривожлантириш келтирилган.

Калит сўзлар: Маҳорат, қобилият, табақалаштириш, дарс технологияси, индивидуал, методика, дидактик, ижодий фикрлаш.

Маълумки, Республикамизда мустақиллик туфайли барча соҳада жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” жамият, давлат ва илм-фан аҳллари олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйган.

Биринчи президентимиз И.А. Каримов таъриф берганидек, “Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”. Тасвирий санъат дарсларини тўғри ташкил этиш, албатта ўқитувчининг ўқитиш методикасининг тўғри танланганлигига боғлиқ. Бунда эса ўқувчиларнинг дарсни ўзлаштириш даражаси анча юқори бўлади.

Дарсларда табақалаштириб ўқитиш бу замонавий педагогик технологияларнинг энг самарали турларидан биридир. Бу таълимда ўқувчиларни индивидуал ёки гуруҳларга ажратиб ўқитилиш мумкин. Бу эса синфдаги барча ўқувчиларнинг билим ва малакаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади ва дарс самарадорлигини янада оширади.

Тасвирий санъатни ўқитишда ўқитувчи янги педагогик технологиянинг “Дарс технологияси”дан фойдаланган ҳолда табақалаштириб ўқитиш технологияси принциплардан ҳам фойдаланиб, дарслар самарадорлигини ошириб боради. Педагогика назарияси ва мутахассис педагог олимлар томонидан табақалаштирилган таълимнинг икки тури ишлаб чиқилган:

Даражали табақалаштириш.

Ихтисослаштирилган табақалаштириш.

Даражали табақалаштириш икки турга бўлинади.

Индивидуал таълим. Бунда ўқувларнинг қобилияти ва имкониятларига қараб ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида иш олиб борилади.

Гуруҳли таълим. Бунда ўқувчиларни қобилияти ва имкониятларига қараб уларни икки ва ундан ортиқ гуруҳларга ажратиб ўқитилади.

Ихтисослаштирилган табақалаштириш эса у ёки бу фанни чуқур ўргатиш, ўзлаштиришга қаратилган бўлади. Булар қаторига тасвирий санъатни чуқур ўргатадиган тўғарақлар киради.

Таълимнинг бу турларида ўқитувчи синфдаги барча ўқувчиларнинг қобилиятини, қизиқишини, имкониятини, лаёқатини ҳисобга олиб дарс самарадорлигини оширишга ҳаракат қилиши лозим. Бу эса синфдаги барча ўқувчиларнинг билим ва малакаларининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Табақалаштирилган таълим ҳақида фикр юритганда аввало уни ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида етарли тасаввурга ега бўлишлик ниҳоятда муҳимдир. Даражали табақалаштириб ўқитишнинг ижобий жиҳатлари ҳақида тўхталганда қуйидагиларни қайд қилиш лозим.

Бунда:

-Синфдаги барча ўқувчилар дастур материалларини ўзлаштиришга эришадилар.

-Синфдаги барча ўқувчиларнинг билим ва малакалари, ижодий ишларида ўсиш кузатилади ва у ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишлари ошади.

-Синфдаги барча ўқувчиларнинг фаоллиги ошади. Чунки, паст ўзлаштирувчилар гуруҳидаги ҳар бир ўқувчи юқори ўзлаштирувчилар гуруҳига ўтишига ҳаракат қилади.

Юқори ўзлаштирувчилар гуруҳидаги ўқувчилар эса паст ўзлаштирувчилар гуруҳига тушиб қолмасликка ҳаракат қиладилар.

-Ўқувчиларни қобилияти ва имкониятига қараб билимлар берилаётганлиги сабабли, улар томонидан ўқув юкламаларини ўзлаштиришда зўриқиш ҳоллари рўй бермайди.

-Синфдаги иқтидорли ўқувчиларнинг чуқур ва атрофлича билим олишга бўлган эҳтиёжлари ҳам қондирилади.

-Табақалаштирилган таълим уни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштиришга ёрдам беради.

Лекин масаланинг яна бир томони борки, табақага ажратиб ўқитиш нофаолроқ бўлган ўқувчилар фаолиятига салбий таъсир қилиши мумкин. Юқори ўзлаштирувчи ўқувчилар эса, ўзларига ортиқча баҳо бериб, фаол бўлмаган ўқувчиларга нисбатан менсимаслик хислатлари кузатилиши мумкин.

Бу жараёнда ўқитувчининг педагогик маҳорати муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчи масаланинг бу жиҳатларини ҳисобга олиб, ўқувчиларга юқори, қуйи сўзлари ўрнига, биринчи, иккинчи, учинчи гуруҳлар деб қўллаши мақсадга мувофиқдир.

Табақалаштириб ўқитишнинг самараси катта эканлиги билан бир қаторда унинг мураккаб жиҳатлари ҳам мавжудлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Унинг мураккаблиги ўқитувчининг уч хил даражадаги дастурлар асосида машғулот олиб бориши билан боғлиқ. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ учун тасвирий санъатдан алоҳида дарсликлар, методика, дидактик ва тарқатма материаллар, техника воситалари керак бўладиким, уларсиз машғулотларни талаб даражасида ташкил этиб бўлмайди. Бу эса қуйидаги йўналишларда ифодаланади:

- Табақлаштирилган тасвирий санъат таълимининг илмий асосларини пухта эгаллаган бўлишлик;

- Машғулотлар учун зарур бўлган ўқув- методик мажмуалар билан қуролланган бўлишлик;

- Машғулотлар учун зарур бўлган махсус хона ва моддий техникавий базага эга бўлишлик;

- Ўқитувчи ўқув фанидан ўқувчиларнинг билим ва малакалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлиги в.б.

Замонамизнинг атоқли педагогларидан бири профессор Р. Ҳасанов мактаб тасвирий санъат ўқитувчисига таъриф берар экан, у қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди “Маҳоратли ўқитувчи бўлиш учун юксак одоб намунасига эга бўлиши, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўзини тута билиши, сабр-тоқатли, саҳоватли, мурувватли, ижодкор, меҳнатсевар, ҳалол, пок, инсофли, иймонли, ўрганувчи ва ўргатувчи каби юксак маънодаги ҳислатларни ўзида мужассам этган педагог-рассом бўлиши кераклигини билдиради”.

Дарҳақиқат, ҳозирги замон мактабларининг тасвирий санъат ўқитувчиси юксак тасаввурга эга, тафаккурли, ақлли, заковатли, тарбияли, ўз фанини аъло даражада биладиган, ижодкор рассом, педагогика, психология фанларини чуқур ўрганган, тасвирий санъат методикаси билан яхши қуролланган, тасвирий санъат дарсларининг педагогик технологиясини яхши эгаллаган тасвирий санъат ўқитувчиси бўлиши лозим.

Масаланинг қийин ва мураккаб жиҳатларидан яна бири бу ўқитувчининг ўқувчилар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлигидир. Маълумки, ҳар бир шахс, ўзича бир дунё, шу қатори тасвирий санъатдан билим малакалари

ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бунинг устига ўқувчилардаги ўзига хослик шунчалик турли-туманки, уларни аниқлаш ниҳоятда мушкул.

Ўқувчиларни ҳар жиҳатдан билиш учун ўқитувчи томонидан ўқувчилар орасида педагогик ва психологик ташхис ўтказиши зарур бўлади. Бу иш бевосита қуйидагилар билан боғлиқ: ўқувчининг умумий қобилияти, унинг характери, қайси фанга қизиқиши, тасаввур, тафаккур ва ижодий фикрлаш даражаси, фаоллиги ва фантазияси, хотира ва кузатувчанлиги, диққати, ташаббускорлиги, мустақиллиги, уйда машғулотлар учун бўлган шарт-шароитлари в.б.

Шунингдек ўқитувчи ўқувчиларнинг қайси спорт турларига қизиқишлари, қайси санъат турларига қизиқиши, ҳатто қайси қуш ва ҳайвонларга қизиқишини билиши муҳим. Чунки ўқувчиларнинг бундай нарсаларга қизиқишларига қараб, уларга самарали таъсир кўрсатиш мумкин.

Бу сифатлардан ташқари ўқитувчи, ўқувчиларнинг тасвирий санъатга доир хусусиятларини ҳам билиши лозим. Бу борада ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг дарс жараёнида билим ва малакаларидаги ўсишни билиб туриши керак.

Табақалаштирилган таълимни амалга оширишда биринчидан ўқувчиларга тасвирий санъатдан бериладиган билим ва малакаларнинг меъёри, топшириқни бажаришга кетадиган вақт, ўқувчиларнинг бу топшириққа бўлган лаёқатини ўқитувчи томонидан аниқ тасаввур этилиши лозим. Иккинчидан, таълим мазмунини болалар онгига сингдириш учун методикани тўғри танлаш ҳамда бу методикани амалга оширишга хизмат қиладиган моддий техникавий асосни яратиш муҳимдир. Бунинг учун ўқитувчи дарсга чуқур ва пухта тайёргарлик кўрган бўлиши лозим. Бундан ташқари ўқитувчи ўқувчиларнинг билим ва малакаларидаги ўзгаришларни ҳам билиб туриши муҳим аҳамиятга эга.

XXI-аср таълим тизимида замонавий педагогик технологиялар жорий этиш асри десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Бўлажак мутахассисларни ҳар томонлама замон талаби даражасида тайёрлашга аввало уларга аниқ билимлар бериш, касбга нисбатан кўникма ва малакаларини шакллантириш лозим. Шундагина улар келгуси фаолиятларидан унумли фойдаланишга эришиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998, 2-бет.
2. Б.Н.Орипов "Тасвирий санъатни ўқитишнинг замонавий педагогик технологияси, дидактикаси ва методикаси".-Тошкент."Илм зиё".2013.25-бет
3. Р. Ҳасанов. Мактабда тасвирий санъатни ўргатиш методикаси. Т."ФАН", 2004.188-бет